

06.Январ 2022 й. 2-сонли Бино ижара шартномасига Илова № 1

**БИНОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТОПШИРИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Андижан ш

«Ипотека банк» АТИБ Андижон шаҳар Найман кўчасидаги жойлашган 2а уйни шартнома шартлари белгиланган муддатларда фойдаланиш учун ижарага берилётган бинони қабул қилиб олади, Мулк эгаси эса топширади «Бинони», ижарага олувчи келгусида «Ипотека-Банк» АТИБ нинг Боғишамол Банк хизматлари маркази сифатида «БОҒИШАМОЛ» БХМ фойдаланишни мақсад қилиб ижарага олди.

1. Ижарага берилётган жойнинг умумий майдони 70 кв м,
2. Ижарага олинаётган Бино қабул қилиб олинаётган вақтда қониқарли ҳолатда экани ижарага олувчи «Ипотека-Банк» АТИБ нинг Боғишамол Банк хизматлари маркази мудир ва ижарага берувчи томонидан маъқулланди.
3. Томонлар ижарага берилётган бинони камчиликлари мавжуд эмаслигини тасдиқлайди
4. Томонлар далолатномадаги маълумотларни ҳаққонийлигига имзо чекиб қўл қўяётганлиги тўғрисида масъул жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Томонларнинг имзолари :

Ижарага олувчи:

ИПОТЕКА-BANK АТИБ

Бош амалиёт бошқармаси

Манзил: Тошкент шаҳар Мирзо

Улугбек тумани, Шахрисабз

кучаси 30

даги

х/р 298050009000000937001

МФО 00937

СТИР 202858483

ХТУТ 64190

Бошқарувчи _____

Ипотека-Банк» АТИБ

Боғишамол БХМ мудир

Газиёв Б _____

М.Ў.

Ижарага берувчи:

Худайбердиев Насибилло Баходирович

АА 6672437 30.04.2014 йил Андижон вилояти

ИИБ томонидан берилган

Манзил: Андижон шаҳар 2-Кичик даҳаси 47 уй

уй 16кв

х/р : 23120000900000068299

Пк х/р 8600332940130408

МФО 00068

СТИР 436325442

ХТУТ

Худайбердиев Н Б _____

М.Ў

2 – СОҲЛИ БИНО ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ

Андижон шаҳар .

2022 йил "06" Январ

Кейинги ўринларда “Ижарага берувчи” деб аталувчи "Худайбердиев Насибилло Баходирович номидан кадастр гувоҳнома асосида иш кўрувчи мулк эгаси фуқаро Худайбердиев Насибилло Баходирович, бир тарафдан ва кейинги ўринларда “Ижарага олувчи” деб аталувчи "Ипотека-банк" АТИБ Бош амалиёт бошқармаси номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Мухаммадалиев Дилшод Сирожиддин ўғли, иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижарага олувчи “Ипотека-Банк” АТИБ “Истиқлол” филиали Боғишамол БХМ мақсадида фойдаланиш учун Андижон шаҳар Найман кўчаси 2а уй манзилида жойлашган бинони (кейинги ўринларда “Бино” ижарага беради, Ижарага олувчи эса, ушбу бинони ижарага олади ва ушбу шартнома қоидаларига мувофиқ фойдаланади ва ижара ҳақи тўлайди.

1.2. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган бино режасига (1-илова) биноан Бинонинг умумий майдони 270 кв (Икки юз етмиш ижарага берилган бино 70 кв) кв.м.ни ташкил этади.

1.3. Бино Ижарага берувчининг мулки ҳисобланади, бу қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланади:

1.3.1. Мол-мулк тўғрисида 2012 йил "19" Апрельдаги 171501040300231687001 рақамли ТА №1460411 серияли гувоҳнома (кадастр).

2. ИЖАРА ТЎЛОВИ ВА ТЎЛОВ УСУЛИ

2.1. Ижара ҳақининг миқдори ойига: 4 400 000,00 (Тўрт миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Ижара ҳақи “Ижарага берувчи” томонидан ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб 5(беш) банк иш куни ичида Ижарага берувчининг банк ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ушбу Шартнома бўйича ижара тўлови бинони қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб ўтказилади.

2.4. Ижарага олувчи ижара ҳақидан ташқари эгаллаб турган майдонга мутаносиб равишда амалдаги фойдаланиш коммунал (электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув ва х.к.) харажатларини тегишли хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бериладиган ҳисоблардан келиб чиқиб, белгиланган тарифларга кўра Ижарага берувчининг ҳисобларини тўлаш йўли билан тўлайди. Фойдаланиш харажатлари тўлови Ижарага берувчидан тегишли ҳисоб-фактура келиб тушган кундан бошлаб 5(беш) банк иш куни ичида Ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

2.5. Ижара ҳақининг миқдори ушбу шартнома тузилган сандан бир йил ўтганидан сўнг, кўпи билан бир йилда бир маротаба тарафларнинг келишуви билан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бунда Ижарага берувчи амалдаги ижара ҳақи миқдорини ўн фоиздан кўпроққа оширишни талаб қилишга ҳақли эмас.

2.6. Ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, Бинодан ушбу шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари фойдалана олмаса ёки Бинонинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, у Бинодан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тегишли равишда қамайтиришни талаб қилишга ҳақли.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижарага берувчининг ҳуқуқлари:

3.1.1. Ижарага олувчидан ижара ҳақини ва коммунал тўловларни шартномада белгиланган муддатда тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. Ижара шартномаси шартларига риоя қилинаётганлигини, хоналар ва асосий воситалар ҳолатини текшириш мақсадида ижарачи фойдаланаётган хонасида бўлган вақтларда хонани ва асосий воситаларни ҳолатини кўздан кечириш;

3.1.3. Электр, иссиқлик энергияси таъминоти ва коммунал хизмат кўрсатиш, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларини ижарачининг айби билан бузилиши ҳолларида ижарачига регресс талаб билан мурожаат қилиш;

3.1.4. Ижара тўлови ўз вақтида амалга оширилмаганида ижарага берилган хона ва асосий воситаларни қайтариб топширишни талаб қилиш ҳамда ушбу талаб бажарилмаган ҳолларда ижарага берилган хоналарни кулфлаган ҳолда муҳрлаш;

3.1.5. Ижарага олувчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганида, лозим даражада бажарилмаганида ёки шартнома шартлари бузилганида шартномани муддатидан олдин бир тарафлама бекор қилиш, ижара муддатини узайтирмаслик, шартномада белгиланган неустойкани, ўзига етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тегишли суд органларига мурожаат қилган ҳолда ундириб олиш.

3.2. Ижарага берувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Ижарага олувчига Бинони ушбу Шартномада кўрсатилган тартибда ва муддатларда топшириш;

3.2.2. Ижарага олувчига коммунал ташкилотлари билан тузилган тегишли шартнома бўйича берилган чегарада иссиқлик, сув, энергия таъминоти ва сувоқава билан таъминлаш;

3.2.3. Ижарага олувчининг айбисиз Бинодан тўлақонли фойдаланиш имкониятини чекловчи ҳолатлар вужудга келган тақдирда, қисқа муддатларда ўз ҳисобидан бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш;

3.2.4. Бинода ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

3.2.5. Зарур бўлганда Бинони капитал таъмирлаш;

3.2.6. Ижарага олувчининг ходимлари ва мижозларининг, шунингдек унинг кўрсатмасига кўра бошқа исталган шахсларнинг бинога тўсиқсиз киришини таъминлаш;

3.3. Ижарага олувчининг ҳуқуқлари:

3.3.1. Ижара тўловини ўз вақтида амалга оширган ҳолда хона ва асосий воситаларни шартномада белгиланган муддатда ўзига топширишни, топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузишни талаб қилиш;

3.3.2. Бинодан ушбу шартномада белгиланган муддатда ва шартномада кўрсатилган мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

3.3.3. Ижарага берувчидан шартномада назарда тутилган зарур шарт-шароитлар, шу жумладан бино инфраструктураси ва коммунал тўловлардан фойдаланиш имкониятларни яратиб беришни талаб қилиш;

3.3.4. Ижарага берувчининг ёзма розилиги асосида, ўз фаолиятини яхшилаш учун қўшимча шароит ва қулайликларни яратиш, қўшимча жиҳоз ва ускуналари ўрнатиш;

3.3.5. Ижарага берувчини олдиндан бир ой олдин огоҳлантирган ҳолда ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

3.4. Ижарага олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Ижарага олинган бинодан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тўлаш, шунингдек мазкур Шартноманинг 2.4-бандида назарда тутилган миқдорда ва муддатларда фойдаланиш харажатлари учун тўловни амалга ошириш;

3.2.2. Ижарага олинган бинодан ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ фойдаланиш;

3.2.3. Ижарага олинган бинода санитария талабларига, ёнғин хавфсизлиги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган фойдаланиш бўйича бошқа мажбурий талабларга риоя қилиш;

3.2.4. Ижарага олинган бинода капитал таъмир ўтказиш зарурати вужудга келганлиги тўғрисида Ижарага берувчини ёзма шаклда хабардор қилиш;

3.2.5. Бинодан ва ички муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш ҳамда фойдаланиш жорий таъмирини ўз ҳисобидан ва кучи билан таъминлаш;

3.2.6. Ички иссиқлик, энергия ва бошқа тармоқлардаги ҳалокатларни, ва унинг оқибатларини, агар мазкур ҳалокатлар Ижарага олувчининг айби билан содир бўлган бўлса, ўз ҳисобидан бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш.

4. УШБУ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ИЖАРА ДАВРИ

4.1. Ушбу шартнома бўйича ижара даври 12 ой муддатга 2022 йил “06” Январдан 2022 йил “31”Декабргача белгиланади.

4.2. Агар ушбу шартноманинг 4.1-бандида назарда тутилган ижара даври муддати тугашидан бир ой олдин бир тараф иккинчи тарафни шартнома муддатини узайтирмаслик тўғрисида огоҳлантирмаса, шартнома тегишлича навбатдаги бир йил муддатга узайтирилган ҳисобланади.

5. БИНОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ-ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Бинони қабул қилиш-топшириш мазкур шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган бино жойлашган манзилда амалга оширилади.

5.2. Бинонинг Ижарага олувчигатопширилганлиги мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган бинони қабул қилиш–топшириш далолатномасини (2-илова) имзолаш билан тасдиқланади. Далолатномада бинонинг топшириш пайтидаги техник ҳолати кўрсатилади.

5.3. Мазкур шартнома бўйича ижара муддати тугаганида ёки ушбу шартнома бирор-бир асосга кўра бекор бўлганида, Ижарага олувчи тегишли ходиса рўй берган санадан сўнг бир ой муддат ичида Бинони Ижарага берувчига топшириши шарт. Бинонинг техник ҳолати унинг Ижарага берувчига топшириш пайтида Тарафларнинг ваколатли вакиллари иштирокида текширилади.

5.4. Ижарага олувчи томонидан бинони Ижарага берувчига қайтариш Тарафлар томонидан бинони қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаш билан тасдиқланади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Ижарага олувчи ижара ҳақини мазкур шартномада белгиланган муддатда тўламаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ кечиктирилган суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2.Ижарага берувчиБинони мазкур шартномада белгиланган муддатда Ижарага олувчига топширмаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун ушбу шартномада назарда тутилганбир йиллик ижара суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ кечиктирилган суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3.Ижарага олувчи ушбу шартнома муддати тугганидан сўнг Бинони мазкур шартномада белгиланган муддатда Ижарага берувчига қайтариб топширмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун бир йиллик ижара суммасининг 0,1 фоизи миқдорда, бироқ кечиктирилган суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4.Ижарага берувчи Ижара, олувчининг Бинодан ижарага олиш мақсадларида фойдаланишига тўсқинлик қилгани учун ушбу шартномада назарда тутилган бир йиллик ижара суммасининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

6.5. Ижарага олувчи Бинодан фойдаланиш даврида ўзининг айби билан Бинога етказилган зарарни Ижарага берувчига тўлиқ қоплаб беради. Бундай зарар Ижарага олувчи томонидан Бинони зарар етгунга қадар бўлган ҳолатга келтириш йўли билан ҳам бартараф этилиши мумкин.

6.6. Ушбу шартномада назарда тутилган неустойканинг тўланиши ёки зарарнинг қопланиши, Тарафларни зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

6.7. Ижарага олувчи Бинодан ижарада фойдаланиши даврида Ижарага олувчининг ходимлари ҳисобланмаган учинчи шахслар томонидан қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир қилинган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида Бинога етказилган зарар учун Ижарага берувчи олдида жавобгар бўлмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги учун, агар бундай вазият ушбу шартнома тузилгандан кейин Тарафлар олдиндан билиши, оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга воқеалар натижасида вужудга келган куч билан енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари) туфайли юзага келганлигини ва Тарафлар ўз мажбуриятларини тегишлича бажариш юзасидан барча мумкин бўлган ва ўзларига боғлиқ бўлган чораларни кўрганлигини исботласа, жавоб бермайди.

7.2. Қуйидагилар форс-мажор ҳолатларига тааллуқли: ҳарбий ҳаракатлар, эпидемия, табиат кучлари таъсири (зилзила, сув тошқини ва ҳоказолар), давлат органлари қарорлари.

7.3. Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши тўғрисида Тарафлар бундай ҳолатлар юзага келган вақтдан бошлаб уч иш куни давомида бир-бирларини хабардор қилишлари керак.

7.4. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати шундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган даврга кўчирилади. Форс-мажор ҳолатлар амал қилиб турган даврда Ижарага берувчи Бинодан ўз мақсади учун фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган бўлса, Ижарага берувчи Ижарага олувчидан ижара тўловларини тўламашни талаб қилишга ҳақли эмас.

8. УШБУ ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома Тарафларнинг келишуви билан шарнома амал қилишининг ҳар қандай босқичида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Тарафлар ўртасида бундай келишув бўлмаган тақдирда шартномани бир тарафлама бекор қилишга йўл қўйилмайди. Шартномани бекор қилиш тартиби Тарафлар ўртасида тузиладиган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишувда белгиланади.

8.2. Ижарага олувчининг қайта ташкил этилиши, шунингдек Бино мулкдорининг алмашиши ушбу Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос ҳисобланмайди. Ижарага олувчи Бинони сотиш ёки бошқача усулда бегоналтириш истаги тўғрисида Ижарага олувчини

камида уч ой олдин огоҳлантириши, шунингдек Бинони янги мулкдорига айланиши кутилаётган шахсни ушбу шартнома шартлари билан таништириши шарт.

8.3. Ушбу шартнома Ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилинишига, агар Ижарага олувчи:

- Ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан Бинодан ушбу шартнома шартларини ёки Бинодан фойдаланиш қидаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;

- Бинонинг ҳолатини жиддий ёмонлаштира;

- ушбу шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса йўл қўйилади.

Ижарага берувчи Ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантирганидан ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берганидан кейингина ушбу бандда кўрсатилган асосларга кўра шартнома муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

8.4. Ижарага олувчининг талаби билан ушбу шартнома суд томонидан муддатидан олдин бекор қилинишига, агар:

- Ижарага берувчи Бинони фойдаланиш учун Ижарага олувчига бермаса ёки Бинодан шартнома шартларига ёхуд Бинонинг мақсадига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса;

- Бинода ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни Ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, Ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда Бинони кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган бўлса;

- Ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса йўл қўйилади.

8.5. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қачонки улар ёзма равишда бўлиб, Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.6. Тарафлар ўртасида келишиш имкони бўлмаган низолар амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг тегишли суд органларида ҳал қилинади.

9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

9.2. Ушбу Шартнома ҳар қайси тарафга бир нусхадан, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.


10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижарага олувчи:

ПРОТЕКА-BANK АТЎВ
Бош амалиёт бошқармаси
Манзил: Тошкент шаҳар Мирзо
Улугбек тумани, Шахрисабз
кучаси 30 _____ даги.
х/р 298050009000000937001
МФО 00937
СТИР 202858483
ХТУТ 64190
Бошқарувчи _____

М.Ў.

Ижарага берувчи:

Худайбердиев Насибилло Баходирович
АА 6672437 30.04.2014 йил Андижон вилояти
ИИБ томонидан берилган
Манзил: Андижон шаҳар 2-Кичик даҳаси 47 уй
уй 16қв
х/р : 23120000900000068299
Пк х/р 8600332940130408
МФО 00068
СТИР 436325442
ХТУТ
Худайбердиев Н Б 

М.Ў